



ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА КОРРУПЦИЯ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ ТАРИХ МИСОЛИДА.

Арипов Алишер Сайфиддинович

Навоий давлат педагогика институти ижтимоий фанлар
кафедрасининг мустақил тадқиқотчиси.
Ўзбекистон. Навоий вилояти. Навоий шаҳри.

Замонавий жамият ҳаётида тезкорлик билан давом этаётган ислоҳотларни жадаллаштириш ва ривожлантириш жараёнида давлат ва жамият ривожини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бироқ бугунги кунда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларга салбий таъсир этаётган омиллар ҳам учраётгани аччиқ ҳакиқатдир. Ана шундай омиллардан бири коррупция ходисасидир. Коррупция локал муаммодан бутун жамият ва барча мамлакатлар иқтисодиётига дахл қиладиган ва бу билан коррупция профилактикаси ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг жуда мухим аҳамиятини белгилайдиган трансмиллий ҳодисага айланди.

Асосий таркибий қисмларидан бири порахўрлик бўлган коррупция бутун дунёда қораланади, аммо, афсуски, азалдан мавжуд¹⁴⁰.

Коррупция муайян давлат ижтимоий таркибий қисмларининг турли бўлакларига тегишли бўлган мураккаб жараён бўлиб, ижтимоий ҳодиса сифатида коррупцион характердаги ҳаракатларга тўғри келадиган кўп қиррали хусусиятлар арсеналига ва моддий бойликнинг кўплаб шаклларига эга. Замонавий жамиятда давлат органлари ва жамоатчилик билан муносабат тизимидағи коррупция феномени турли мамлакатларнинг ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот обьектига айланиб, ушбу мураккаб соҳага турлича эътибор қаратилмоқда.

20-асрнинг иккинчи ярмида коррупция тобора халқаро муаммога айлана бошлади. Корпорациялар томонидан хорижда юқори мансабдор шахсларга пора бериш кенг тарқалди. Глобаллашув бир мамлакатдаги коррупция кўплаб мамлакатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатишига олиб келди. Бироқ, коррупция даражаси энг юқори бўлган мамлакатлар энди учинчи дунё билан чегараланиб қолмади: 1990-йилларда собиқ социалистик мамлакатларда

¹⁴⁰ Атагимова Э.И. Что такое коррупция и как с ней бороться. Москва-2015. 6-бет. <https://minjust.gov.ru>.



либерализация, мансаб ваколатларини қўпол равишда суистеъмол қилиш билан бирга кўриниш берди. 1995 йил 31 декабрда "Financial Times" газетаси 1995 йилни "коррупция йили" деб эълон қилди. Коррупциядан хабардорликни ошириш мақсадида БМТ Халқаро коррупцияга қарши кураш кунини (9 декабрь) белгилади¹⁴¹.

Айтиш мумкинки, коррупция профилактикаси ҳар қандай жамият стратегиясининг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳар қандай жамиятда коррупция профилактикаси ва унинг жамиятдаги салбий оқибатларини олдини олиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Айниқса, давлат бошқарув органларининг самарали фаолият юритиши учун "қонунийлик тамойили"та амал қилиниши шахс, жамият ва давлатнинг қонуний ҳуқук ва манфаатларини амалга оширилишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда бу борада яхши натижаларга эришган Сингапур ҳақида сўз юритадиган бўлсак. Сингапур 1959 йилда эркин давлатга айланди. Ўша вақтларда коррупция индекслари йўқ эди, "Транспаренсий Интернатионал" ҳам йўқ эди, лекин давлатда коррупция даражаси юқори эди. Маълум бир муддат, яъни 30 йил ичидан, 1990-йилларга келиб, Сингапур коррупцияга қарши рейтингда биринчи ўринга кўтарилиди.

Темурийлар салтанати асосчиси, ўз ақл, идроки, куч-ғайрати,adolati билан бутун дунёни лол қолдирган буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг севимли узуги кўзида, жумладан, қуйидаги сўзлар битилган эди: "Куч- адолатдадир"¹⁴². Сингапурда ҳам шу каби адолат тамойили ишлай бошлади. Мансабдор шахслар муносиб иш ҳақи ола бошладилар ва давлат хизматида кўтирилиш меритократик бўлди, яъни алоқалар ёки пул асосида эмас, балки савоб ва адолат асосида. Бюрократларнинг ротацияси ташкил этилди. Коррупцион ҳаракатларга шўнғиб кетган бюрократларни йўқ қилиш, тузалиш йўлига ўтганларни бошқа жойга олиб ўтиб ишлатиш йўлга қўйилди. Коррупциянинг яна бир хусусияти унинг кенг тарқалганлигидир. Коррупция, муболағасиз, жамиятнинг барча соҳаларига, жумладан, соғлиқни сақлаш ва таълим,

¹⁴¹ История коррупции. <https://linguanet.ru/ob-universitete/protivodeystvie-korruptsii/istoriya-korruptsii>.

¹⁴² Темур тузуклари. -Тошкент: Фафур Ғулом, 1991.



Иқтисодиёт ва хавфсизликка таъсир қилади¹⁴³. Сингапур дастлаб иқтисодиётда солиқлардан холи эркинликни Эълон қилди. Жамиятдаги мантиқсиз чекловлар ва тартиблар бекор қилинди, давлат томонидан иқтисодий масалалардаги аксарият лицензиялар ва рухсатномаларни бериш тұхтатылды. Коррупцияга қарши кураш агентлиги жуда кенг ваколаттарға эга бўлди.

Кўриб турганингиздек, инсоният жамиятининг пайдо бўлишининг сабабларидан бири, шунингдек, одамлар, турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларининг асосий омилларидан бири адолат тамойили ва унга риоя қилишга бўлган зарурат эди¹⁴⁴. Сингапурда адолатли тизимли ёндашув – яни бир чора эмас, чора-тадбирлар мажмую – сиёсий ирода ўз самарасини берди. Булар мұхим ва зарур омиллардир.

Шунга ўхшашиб воқеаларга Гонконг ва қисман Грузия киради. Камроқ таъсирчан мисол, лекин барибир мисол - Истроил. Булар кичик давлатлар, лекин йирик давлатлар орасида муваффақиятлар бор. Барча ривожланган мамлакатлар, истисносиз, тарихий меъёрларга кўра, нисбатан яқин вақтларда жуда коррупциялашган. Масалан, Швеция бир неча асрлар давомида Европанинг энг коррупциялашган давлатларидан бири бўлган. АҚШда коррупция ривожланган давлат учун ҳали унчалик паст эмас, лекин, айтайлик, 100-150 йил олдин у анча юқори эди. Ривожланган мамлакатларда, табиийки, ҳамма нарса бошқача эди: уларда таянадиган ҳеч ким йўқ эди, коррупцияга қарши кураш эса кўпроқ эволюцион характерга эга эди. Бу ерда сехрли рецептлар йўқ: матбуот эркинлиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши, сиёсий рақобат ва сайловчилар босими. Ва яна тизимли ёндашув, чора-тадбирлар мажмую, ислоҳотлар ва сиёсий ирода¹⁴⁵.

Коррупциянинг вертикал шакли, яни қуий лавозимдагилар юқори лавозимдагиларга, горизонтал шаклида эса, яни идоралараро мансабдор шахсларнинг бир - бирларига ноқонуний манфаат эвазига мумомила қилишлари тушунилади. Сиёсий коррупция – ҳукмрон сиёсий

¹⁴³ Что такое коррупция? <https://barnaul.org/advisor/pravoporyadok-i-bezopasnost/chto-takoe-korruptsiya>.

¹⁴⁴ Saфарова Н.О. socio-philosophical and scientific thought in the spiritual legacy of beruni. epra international journal of research and development (ijrd). file:///c:/users/mouse/downloads/1152pm_38.

¹⁴⁵ Другов М. Непобедимая коррупция: во сколько она обходится обществу и как ее лечить. <https://www.forbes.ru/obshchestvo/403071>.



Элита томонидан давлат ресурсларидан ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида ғайриқонунй сарф этишидир. Давлат бошқаруvida уруғ аймоқчиликка, қариндош-урұғчиликка йүл қўйилиши оқибатида каттакатта давлатлар ҳам пароканда бўлиб, парчаланиб кетганига узоқ ва яқин тарих гувоҳдир.

Коррупция нафақат Ўзбекистонда, балки бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган аксарият мамлакатларга хос бўлган умумий муаммолар қаторига киради. Ҳар бир мамлакат «жиноят» ва «коррупция» каби тушунчаларни ўз дунёқараши, тафаккури ва менталитети даражасига кўра ҳар хил тасаввур қиласадилар. Айрим мамлакатларда коррупция порахўрликнинг синоними ҳисобланади, айрим мамлакатларда эса у кенгроқ давлат ҳокимияти ва ҳатто жамиятнинг маънавий инқирози сифатида талқин этилади.

Хулоса қилишимиз мумкинки, коррупциянинг тарихан таъсирчан таърифларининг кўпчилиги, шунингдек, парадигматик ҳуқуқбузарликларни санаб ўтиш орқали коррупцияни чегаралашга уринишлар муваффақиятсизликка учрайди¹⁴⁶.

Бугунги кунда коррупция муаммосига дунёнинг деярли ҳар бир мамлакатида дуч келиш мумкин. Аммо бу коррупция ҳамма мамлакатларда бир хил деган маънени англашмайди. Коррупциянинг вужудга келиш сабаблари турли мамлакатларда ҳар хил бўлиб, тарихий босқич ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси билан белгиланади. Шу боис коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришнинг универсал воситаларини ишлаб чиқиш деярли мумкин эмас.

¹⁴⁶ Corruption. <https://plato.stanford.edu/entries/corruption>. First published Wed Sep 14, 2005; substantive revision Fri Oct 13, 2023.